



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

ШАХМАТ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН  
ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА

Қадри шахматчилар!  
Азиз фарзандларим!

Авалло, сиз, азизларни ва сизларнинг тимсолингида кўп миллатли халқимизни мамлакатимиз ҳаётида улкан қувончли воқеа — Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида ўтказилган 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида ҳар томонлама муносиб иштирок этиб, Олимпиада чемпиони деган юксак шарафга сазовор бўлганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклаб, ўзимнинг чўқур ҳурматим ва эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Сизлар дунёнинг манаман деган шахмат усталари иштирокида ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган, 188 та жамоа қатнашган ушбу энг нуфузли шахмат мусобақасидаги улкан ғалабанингиз билан мамлакатимиз спорт тарихида янги саҳифани очиб бердингиз.

Бутун халқимиз дунёдаги ана шу мусобақаларда сизларнинг ҳар бир баҳсингизни "ойнаи жаҳон" ва Интернет орқали катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб борди.

Ўз навбатида, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ёш шахматчиларимиз ҳам бундай юксак ишонччи оқлаб, халқимизга эрқин ғалабаларни тортки этдилар.

Ҳеч шубҳасиз, сизларнинг бу улкан ғалабанингиз Ватанимиз мустақиллиги-

нинг 31 йиллик шонли байрамига муносиб совға бўлди.

Ушбу мусобақада юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Ёқуббоев, Жавоҳир Синдоров, Жаҳонгир Воҳидов, Шамсиддин Воҳидов каби ўғлонларимизнинг истеъдодига бутун дунё яна бир бор тан берди.

Айниқса, Жаҳонгир Воҳидовнинг сўнги ўйиндаги ғалабаси терма жамоамизнинг тарихий ғалабасини таъминлади.

Шуни алоҳида ғурур билан таъкидлаш кераки, спортнинг шахмат турида бутун дунёда ном чиқарган Ҳиндистон, АҚШ, Арманистон, Нидерландия, Испания, Буюк Британия, Германия каби давлатлар вакиллари иштирок этган ушбу олимпиадада терма жамоамиз аъзолари ҳар томонлама муносиб иштирок этиб, биронта ўйинда ҳам маглубиятга учрамади.

Сизлар шу тариқа ўзбек шахмат мактабининг шон-шухратини юксак босқичга олиб чиқдингиз. Сизлар каби азму шижоатли, ватанпарвар ёшлар энг катта бойлигимиз, миллатимизнинг "олтин фонди", десам, ўйлайманки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Мана шундай зукко ва катта салоҳиятли ўғлонларни тарбиялаб

воёга етказгани учун ота-оналарингиз ва устозларингизга чин юракдан ташаккур изҳор этаман.

Ўзбекистоннинг шахматчи қизлари ҳам ушбу халқаро мусобақада муносиб иштирок этиб, ўзларининг салоҳияти баланд эканини яққол намойиш қилдилар. Шу ўринда уларга ҳам чин қалбимдан тасанно айтаман.

Бугун голиб ва совриндор спортчиларимизни тайёрлашда чинакам фидойилик кўрсатган терма жамоамизнинг тажрибали мураббийлари Иван Соколов, Владимир Егинга ҳам ўзимнинг чўқур миннатдорчилигимни билдираман.

Сизларнинг бугунги мисли кўрилган ғалабанингиз юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спорт, хусусан, шахмат соҳасига берилмаётган катта эътибор ва ғамхўрликнинг эрқин амалий натижасидир.

Ишончим комилки, 2026 йилда Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида ҳам мамлакатимиз вакиллари муносиб иштирок этиб, юқори марраларни забт этади.

Юксак ғалаба яна бир бор барчангизга муборак бўлсин, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## ҚУТЛОВ

ЮРТИМИЗНИНГ "ОЛТИН ФОНДИ"  
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ШАХМАТИМИЗНИНГ  
ЯНГИ ТАРИХИГА АСОС СОЛДИ

Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида 29 июль —

9 август кунлари бўлиб ўтган

44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида ўзбек йигитлари —

Нодирбек Абдусатторов,

Нодирбек Ёқуббоев,

Жавоҳир Синдоров,

Жаҳонгир Воҳидов ва Шамсиддин

Воҳидовдан иборат миллий

терма жамоамиз 188 мамлакат

шахматчилари орасида мутлақ ғолибликни

қўлга киритди. Ниҳоят неча кунлик

ҳаяжон, умид ва кутишлар ўз

самарасини берди: Ўзбекистон ёшлари —

шахмат бўйича Олимпиада чемпиони!

Давоми 2-бетда

ХАЛҚАРО ТРАНСПОРТ ЙЎЛАКЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ  
МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 август куни халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш ва диверсификация қилиш бўйича тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда саноат, тадбиркорлик тобора ривожланиб бормоқда. Йил бошидан буён 50 мингта янги корхона ташкил топган, экспортёрлар сони 7 минг 500 дан ошган. Экспорт ҳажми ўтган йилга нисбатан 1,3 бара-варга кўпайиб, 8 миллиард 200 миллион долларга етган.

Иқтисодиётда ишлаб чиқариш қанчалик муҳим бўлса, маҳсулотни етказиб бериш ҳам шунчалик аҳамиятли. Айниқса, ҳозир дунёда логистика муаммолари ҳажига чиққан вазиятда бу ўта долзарб ҳисобланади.

Шу боис, давлатимиз томонидан экспортчи корхоналар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бу йил юртимиз маҳсулотлари 32 та янги бозорга кириб борди. Жаҳон савдо ташкилотига кириш бўйича ишлар ҳам жадаллашмоқда.

Дунёда юк ташиш харажатлари ошганини инобатга олиб, экспортёрларга бу харажатларни қисман қоплаш учун давлат томонидан 170 миллиард сўм компенсация берилди. Шунингдек, Европада тайёр маҳсулотлар экспорт қилувчи корхоналарга транспорт харажатлари учун субсидия миқдори 50 фоиздан 70 фоизга оширилди.

ЎЗА

## ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

ЎЗБЕКИСТОНДА КАДРЛАР СИЁСАТИ  
ВА ИСТИҚБОЛ МАҚСАДЛАРИ

Мамлакатимизда 118 минг давлат фуқаролик хизмати ходимининг фаолияти улғувор стратегик мақсадларимиз йўлига нечоғлиқ натижадорлик асосида сафарбар этилиши миллатимиз тараққиёти, бугунги ва келажак тақдирида фавқуллода муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Куни кеча Ўзбекистон Республикасининг "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Президентимиз 4 август куни давлат хизматини ислоҳ қилиш ва бошқарувда натижадорликни таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида мазкур қонуннинг қанчалик муҳим ижтимоий моҳиятга эгаллиги, унда мамлакатимиз тараққиётини жадаллаштириш учун ўзига хос "драйвер" — ҳаракатлантирувчи куч мужассамлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Мазкур йиғилишда давлат бошқарувида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш, давлат фуқаролик хизматининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, давлат хизматчилари фаолияти ва бутун тизимни таъқидий қайта қуриб чиқиш борасида зарур кўрсатмалар берилди.

Бугунги кунда давлатни барқарорлаштириш билан бира жамиятнинг фаоллаштириш, давлат хизматчисининг жамиятга меҳрли муносабатини шакллантириш, халққа хизмат қилиш, одамлар розилигини олиш, ҳалоллик, адолатни мустаҳкам ўрнатилиш борасидаги замонавий ёндашувга бўлган ижтимоий эҳтиёж кучайди.

Шу боис, "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонун қабул қилингани мамлакатимизда давлатнинг халққа хизмат қилиши, одамлар розилигини олиш борасида Президентимиз илгари сураётган халқпарвар сиёсатнинг яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Таъкидлаш жоиз, ҳар бир даврда кадрлар масаласи мамлакатлар тақдири учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Чунки исталган ижтимоий фаолият, хусусан, давлат бошқаруви ҳам фақат махсус бошқарув салоҳияти ҳамда алоҳида ваколатга эга шахслар орқали амалга оширилади.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темуру ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур давлат бошқаруви ва ҳарбий юришларида кадрлар тайинлаш масаласига алоҳида эътибор билан ёндашган. Хусусан, Амир Темурнинг: "Ун икки нарсга ёрдамида мамлакатларни забт этиб салтанатимни бошқардим ва салтанат тахтига зебу зийнат бердим", дея таъкидлагани муносиб кадрлар тайинлаш масаласи билан боғлиқ.

Абу Наср Форобий ва Алишер Навоий эса давлат бошқарувида адолатлик ва одамларни бир мақсад йўлида бирлаштири олиш салоҳияти бошқарув фаолиятининг асосий мезонлари ўлароқ раҳбарлар учун зарурлигини ўз асарларида алоҳида қайд этган.

Шу маънода ҳар бир даврда кадрлар ва улар билан боғлиқ сиёсат ислохотларнинг драйвери, ўзгартиришлари рўйбга чиқарувчи етакчи куч саналган.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йили Ўзбекистон Президенти лавозимига киришишидаги тантанали маросимда айтган: "Асосий вазифа — бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги тарқибини шакллантиришдан иборат", деган гапи ҳам давлат хизматчиларини тўғри шакллантириш, меритократик тамойиллар асосида муносиб шахсларни лавозимларга тайинлаш, умуман, кадрлар сиёсатини оқилона йўлга қўйиш давлатимиз учун энг муҳим даражада эканини тасдиқлайди.

Давоми 3-бетда

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ —  
РИВОЖЛАНИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ТАМОЙИЛИ

Юртимизда "Инсон қадрини учун" тамойили асосида халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлашга қаратилган самарали ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислохотлар жараёнида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида таъминлаш устувор вазифага айлангани тараққиётнинг муҳим омили бўлаётир.

Амалдаги Конституциямизда ҳам инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгиланган. Аммо амалиётда

аксарият ҳолларда давлат манфаати инсон манфаатидан устун қўйилиши ҳолатига кўп бор дуч келдик. Масалан, ҳукумат қарори билан белгиланган тартиб асосида фуқаро-

ролардан ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун, деган сабаб билан олиб қўйилар эди.

Ваҳоланки, давлат эҳтиёжларига нималар қиради, нега жамоат эҳтиёжлари алоҳида кўрсатилмоқда, кўп қаватли уйлари қуриш учун ер участкаларини олиб қўйиш давлат эҳтиёжига қирадим ёки жамоат эҳтиёжига, деган саволларга жавоб бериш мушкул эди.

Давоми 5-бетда

## МАҲАЛЛАНИНГ "ЎСИШ НУҚТАСИ"

Маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалаларида оддий одамлар дарду ташвиши билан яшаб, уларга ҳар ишда кўмак бермоқда. Нурафшон шаҳри "Обод турмуш" МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Мурод Пулатов ўз ишига сидқидилдан ёндашаётган ана шундай ёш кадрлардан бири. Ҳоким ёрдамчисини йўқлаб борганимизда, у идорада икки киши билан суҳбатлашиб турган экан. Биз уларнинг суҳбатини бўлмаслик учун ташқарида кутишга қарор қилдик.

ЎЗГАЛАР ДАРДУ ТАШВИШИ БИЛАН  
ЯШАШ САОДАТИ

"Йўл азоби жуда чарчатиб қўйганди..."

Бир оздан сўнг идорадан чиққан одамларни суҳбатга тортсак, улар ҳоким ёрдамчисига бандлик масаласида мурожаат қилган экан.

— Йиллар давомида Тошкентга қатнаб ишладим, — дейди Шон-шухрат кўчаси 39-уйда яшовчи Мавлон

Валиаҳмедов. — Пойтахт ва Нурафшон орасида бўзчининг моқсидек қатнайвери, оёғимдаги ковушим титилди, йўл азоби жуда чарчатиб қўйди. Уйимга, маҳалламга яқин бирор жойда иш бўлса, қўлдан келганча меҳнат қилмоқчи эдим. Худога шукр, мана, ишимиз битди.

Давоми 4-бетда

## ҚУТЛОВ

# ЮРТИМИЗНИНГ “ОЛТИН ФОНДИ”

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ШАХМАТИМИЗНИНГ

### ЯНГИ ТАРИХИГА АСОС СОЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимиз мустақиллигининг ҳар йиллик байрамига спортчиларимиз томонидан бебаҳо совға — ғалабалар тақдим этилиши яхши аънава тусини олган. Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси тарихида биринчи марта юртимиз вакилларининг олтин медал олиши — Янги Ўзбекистон тарихига буюк ғалаба сифатида битилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги олдидан азиз Ватанимиз, халқимизга зўр совға бўлди.

## Қудратимизга шубҳангиз бўлса...

Хар сафар юртимиз ёшларининг жаҳоний ютуқларига гувоҳ бўлиб, комил бракини сезиб, Имом Бухорий бобомизнинг “Барча амаллар ниятга қараб бўлади”, деган ҳикматли гапи ёдга тушади.

Бугун ҳам шундай бўлди. Кеча эрта тонгдан уйғонган ҳисларимиз энди қозоғга кўча бошлади: бир замонлар Бобур бобомиз закий қудрати билан забт этган, буюк давлатга асос солган қадим ҳинд элида бугун унинг авлодлари яна тантана қилди. Бу сафар ҳам ақлу заковат билан ғолиб бўлди. Дунё Янги Ўзбекистонга, Учинчи Ренессанс асосчилари — ўзбек ёшларига ҳавас қилди, қойил қолди, тан берди.

Яна бир сурурли фикр ҳаёлимизни забт этган: бугунги ёшларимиз кечаги ёшлар эмас. Янги Ўзбекистон орузи амалга оша бошлади. Бу ақл-заковатли, билимли, интеллектуал жиҳатдан кучли ёшлар билан тақомилга етмоқда.

Агар бу мушоҳадани Президентимиз ишончи билан давом эттирсак, “Биз ёшлар сиймосида умримиз мазмунли, ҳаётимизнинг асосий самарасини кўрамыз. Янги Ўзбекистонни азму шижоатли ёшлар билан бирга бунёд этамыз”, деган аниқ ва буюк мақсад манзили кўз олдимизда намоён бўлади.

Албатта, бу каби ғалабаларга ўз-ўзидан эришилмайди. Унинг замирида катта ислохотлар, машаққатли меҳнат ва ватанпарварлик туйғуси

туради. Гап шу ҳақда кетганида, Президентимиз ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ўзгартиргани, юртимиз йигит-қизларига катта ишонч билдириб, кенг имкониятлар яратиб берганини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади. Шахматчиларимизнинг Олимпиадада эришган ёрқин ва ишончли ғалабаси ҳам ана шундай эътибор самарасидир.

Хар бир эзгу ишда ҳикмат бор, дейишади. Бу ҳикмат Ҳиндистонда шахмат бўйича 44-Бутунжаҳон олимпиадаси бўлиб ўтатган кунларда Президентимиз имзолаган қарорда ҳам ўз аксини топди. “Шахматни янада оммалаштириш ва ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги мазкур қарорда иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш, уларни профессионал шахматга жалб қилиш, нуфузли халқаро шахмат мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаш, жаҳон стартларига мос келадиган шахмат инфратузилмасини кенгайтириш, Шахматни 2025 йилгача ривожлантириш Давлат дастурини изчил амалга ошириш мақсадлари кўзда тутилган.

Мана шу қарор ижросининг илк самарасини бугун барчамиз кўриб, фахрланиб турибмиз. Шу кунларда яна бир хушхабар барчамизни қувонтирди. Бу — 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси 2022 йили Ўзбекистонда ўтказилиши бўлди.

Бу қарор тасодифий эмаслигини дунё жамоатчилиги яхши қилиб турибди. Зеро, Янги Ўзбекистон бугун нафақат тинчликпарвар сиёсати, глобал аҳамиятли ташаббуслари билан танилди, шу билан бирга, дунё ёшларини ҳамжиҳат бўлиб, эзгу мақсадлар сари биргаликда ҳаракат қилишга рағбатлантираётгани учун ҳам алоҳида эътибор қозонди.

Бугун Ўзбекистонда катта байрам, халқимиз учун тарихий кун. Мана шундай сурурли дамларда халқимиз фикрларини эшитиш ҳам жуда ёқимли ва мароқли. Инчунин, Ченнайда бўлиб ўтган 44-Бутунжаҳон шахмат олим-



пиадасининг ҳар бир босқичини кузатиб, ёш шахматчиларимизни қўллаб-қувватлаб турган, олқишлаган, ишонч билдирган юртдошларимиз ғалаба завқидан қувончга тўлди. Ижтимоий тармоқларда бир-бирдан самимий изҳорлар, тилаклар ёзилмоқда.

“Ил қаҳрамонларининг ҳар бир чиқишини катта ҳаяжон билан кузатиб, ўйнаётган улар, ҳаяжондан титраётган бутун халқ бўлди” дейди бир фойдаланувчи.

“Илғор етакчи, тарихий ғалаба, ёш қаҳрамонлар... Таърифлашга сўз йўқ, фақат хурсандчилик, табассум ва ғурур!

Ҳозир бу элнинг ҳар бир фарзанди шу туйғунни ҳис қилаётгани аниқ”, дея ҳаяжонини билдирган яна бир юртдошимиз.

Бошқа фойдаланувчи “Ғалабалар муборак бўлсин! Шунчалек шароит ва имкониятлар яратиб бергани учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга миннатдорлигимизни билдирамыз. “Барча ёшлар менинг фарзандларим”, деб бежиз айтмайдилар, битта ота фарзанди учун қандай қулай шароит қилиб бериши мумкин бўлса, давлатимиз ҳам ёшларимиз учун шундай шароит яратиб берапти. Бугун Ўзбекистон халқига

тарихий ғалаба муборак бўлсин! Бу ғалабалар бардавом бўлишини умид қиламыз”, дея ўз фикрини ёзиб қолдирган.

Қувонарлиси, ёш оналар аллақачон ўз фарзандини шахмат тўғрисида олиб бориш тарафдудига тушган. Президентимиз илгари сураётган шахматни оммалаштириш ташаббусининг қўр олишни бошлагани аслида шу-да. Ҳадемай ақл чархи билан шуғулланувчи юртдошларимиз сафи кенгайди. Ватанимизга оламшумул ғалабалар олиб келаётган чемпионларимиз сафига янгидан-янги Нодирбеклар, Жаҳоҳирлар, Жаҳонгиру Шамсиддинлар қўшилди.



Алишер САЪДУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон шахмат федерацияси раиси:

— Ўзбекистон терма жамоаси ушбу олимпиада давомида бирор марта маглубиятга учрамаган ягона жамоа

бўлди. Барча юртдошларимизни тарихий ғалаба билан табриклайман!

Алоҳида таъкидлашни истардимки, биз ғолиб бўлишимиз заҳоти Президентимиз телефон қилиб, йигит-қизларимизни табриклагани, уларга самимий дил изҳорларини билдиргани ҳам ҳар биримиз учун қутилмаган, ўз навбатида, ниҳоятда қувончли воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбари билан суҳбатдан кейин уларнинг қувончини таърифлаш қийин. Улар ўз Президентини, Ватани билан фахрланишини қайта-қайта бири-бирига айтишди.

Юртдошларимиз, хусусан, ёшларимиз терма жамоанинг сунгги турдаги муҳим уйинини Интернет орқали ўзбекча шарҳ билан жонли эфирда томоша қилиб, қўллаб-қувватлаб турди. Ўзбек тилидаги шарҳни ФИДЕ спорт устаси Хулқар Тоҳиржонова ва халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова олиб берди. Эл-юртимиз олдида шахматчиларимизнинг юзи ёруғ бўлганидан беҳад хурсандимиз.

Жаҳонгир ВОҲИДОВ,  
Шахмат бўйича Олимпиада чемпиони:



Дунё бўйича шахмат мусобақаси тарихида биринчи марта олтин медални қўлга киритдик. Бунда Президентимизнинг, халқимизнинг бизга бўлган ишончи, бизни қўллаб-қувватлагани катта далда бўлди.

Президентимизга чин кўнглидан раҳмат деймиш. Халқимизнинг ишончи ва қўллаб-қувватлаши туфайли ғалабага эришдик.

— Юртимизга олтин медал билан қайтаётганимиздан қувончимизнинг чеки йўқ. Энг ҳаяжонлиси эса, Президентимиз билан телефон орқали суҳбатимиз бўлди. Ростки, кутмагандик. Давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзи бизга алоҳида меҳр кўрсатиб, келажакда янада катта ютуқларни қўлга киритишимизга ишонч билдирди.

Нодирбек ЁҚУБОВЕВ,  
Шахмат бўйича Олимпиада чемпиони:



қўллаб-қувватлаб турганини, дуо қилганини ҳис этиб турдик. Энг муҳими, Президентимиз билдирган юксак ишонч бизни ғалаба сари руҳлантирди. Бу — ҳали бошланиши. Худо хоҳласа, кейинги Олимпиадаларда ҳам ғалабали сериямизни давом эттирамыз. Бундан буёғига ҳам ишонччи оқлашга ҳаракат қиламыз.

— Айни пайтда кайфиятимиз жуда аъло. Бунақаси бўлмаса керак дейману, лекин кейинги мусобақаларда ҳам биринчилиكنи қўлдан бермасликка ҳаракат қиламыз. Босим жуда кучли бўлди. Бундай натижа қайд эта олишимизни ўзимиз ҳам кутмагандик. Биз



Жаҳоҳир СИНДОРОВ,  
Шахмат бўйича Олимпиада чемпиони:

— Тўғриси айтсам, биз жуда муҳим, шов-шувли натижа қайд этдик. Барча жамоадорларимга раҳмат айтиб қоламан. Бизни қўллаб-қувватлаган мухлисларга, бутун Ўзбекистон халқига ўз миннатдорлигимни билдираман. Худо хоҳласа, бу — ютуқларимизнинг бошланиши, деб умид қиламан.



Нодирбек АБДУСАТТОРОВ,  
Шахмат бўйича  
Олимпиада чемпиони:

— Болалигимдан бир аҳд билан улғайдим: инсон ўзига қандай машғулот ёки касб ёқинини аниқлаб олиши, шу йўналиш бўйича ўз устида ишлаб, қизиқишини ошириб бориши керак. Муваффақият ана шунда қўлга киритилади.

Айни пайтда биз ўзимизга билдирилган ишонччи оқлашга ҳаракат

қилдик. Қўтилган ғалабани қўлга киритдик. Албатта, бу натижа ўз-ўзидан қайд этилмади. Шахматга бўлган меҳримиз, давлатимиз томонидан биз — ёшларга берилган эътибор ва имкониятлар самараси, деб биламан.

Бу ғалаба Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллиги олдидан халқимизга, Президентимизга муносиб совға бўлди. Ҳали олдинда катта мақсадларимиз, режаларимиз турибди. Бу йўлда астойдил меҳнат қиламыз.



Баҳоҳир УМУРЗОҚОВ,  
Ўзбекистон шахмат устаси:

— Жаҳон олимпиадасида жуда катта ютуққа эга бўлди. Хурсандчиликдан ҳаяжонда юрибмиз. Бу — Ўзбекистон шахмат тарихида узоқ қўтилган шонли ғалаба.

Энциклопедияларда шахматнинг ватани сифатида Ҳиндистон эътироф

этилади. Унинг пайдо бўлиш тарихи XVI аср билан белгиланади. Ваҳоланки, бизнинг ҳудудимизда 2400 йиллик тарихга эга шахмат донаторлари топилган. Мен умумжаҳон шахмат федерациясига ёзма равишда “Шахматнинг ватани Ўзбекистон”, деган тақлифни киритдим. Бу масала яқин фурсатларда кўриб чиқилади ва уйланимни, бу борада Ўзбекистон шахмат ватани номини олади.

Қувонарлиси, ёшларимиз шахматнинг ватани Ўзбекистон эканини, юртимизда унинг ривожланиши катта ақл-заковат, матонат ва мардлик билан исботлашга ҳаракат қилди ва ғолиб деган номага сазовор бўлди. Фидойи шахмат мураббийлари, ота-оналар, бутун халқимизнинг хурсандчилиги чексиз.

Телевидение ва радио орқали ҳар бир тур бўйича жонли мулоқотлар, шарҳлар ташкил этиб борилди. Ҳар бир кун якуини бутун халқимиз қувонч билан кузатиб. Ўзбекистон терма жамоаси 11 тур давомида умуман маглубиятга учрамади. Бу, биринчидан, назарий

жиҳатдан катта тайёргарлик қўрилганини билдиради, иккинчидан, амалий томондан йигитларимиз ўз тажрибасини намоён эта олади. Дунёнинг энг кучли шахмат усталари устидан зафар қўчган ягона жамоа бўлди. Биз ғалабага ишонардик ва у рўёбга чиқди.

Энг оғири Нидерландия жамоаси билан ўйин бўлди. Гарчи ғалабага ишончимиз комил, рақиб жамоа ўйинчилари катта натижа қайд этмаган бўлса-да, бизникилар арзимаган хато билан шунча қилинган меҳнатни зое кетказиб қўйишдан чўчидик. Бироқ ёшларда ғалабага интилиш кучли бўлди. Чемпионларимиз йиллар давомидаги меҳнатига яраша ғалабага эришди.

Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тарихий ғалаба билан табриклайман. Чунки давлатимиз раҳбари шахматчилар билан охириги учрашувида уларга катта ишонч билдириб, ғалабаларга руҳлантирди. Катта куч берди. Бу шахматчиларимизнинг ҳар бир ҳаракатига заминдек бўлди. Моддий ва маънавий рағбатлар ўз кучини кўрсатди.

Баҳоҳра ЭГАМБЕРДИЕВА,  
Нодирбек Абдусатторовнинг ораси:

— Жаҳон чемпионатидаги оламшумул тарихий натижа билан Ўзбекистон халқини табриклайман. Бу улкан ғалаба халқимизники.

Шахматчиларимиз зиммасидаги вазифани удалашди. Аслида, уларнинг асосий мақсади ҳам чемпионлик эди. Ўзим ҳам шахматчи бўлганим учун ўйинларнинг ҳар бир дақиқасини диққат билан кузатдим. Бир-бирини тушунишда, бир-бирини қўллаб-қувватлашда гап кўп экан. Йигитларга ана шу фазилат ҳам зафар қўчишида кўл келди. Улар ёш жиҳатидан бир-бирига яқин бўлгани учун машғулотларда, мусобақаларда бирга тобланди, бирга улғайди. Бир-бирининг феъл-атворини, ўйин услубини танийди.



10-турда укамнинг Ҳиндистонлик шахмат устаси Гукеш Доммаражу билан бўлган ўйини мен учун энг ҳаяжонли

бахс бўлди. Шундай истеъдодли ва машҳур шахматчининг ораси бўлганимдан янада фахрландим.

Биз акам билан бирга тўғарака катнаб юрган кезларимиз Нодирбек боғчага борарди. Шахмат машғулотларидан чиқиб уни боғчадан олиш бизга топширилган эди. Акам иккала-миз кўпинча машғулотда қолиб кетар, укамиз эса кеч келсак, биздан хафа бўларди. Унинг кўнглига қараб боғчадан эртарақ олиб, ўзимиз билан машғулотга олиб кетадиган бўлди. Укамиз ўйинларни томоша қилиб юрарди. Биров унинг қўлидан тугтиб, шахмат бундай ўйналади, деб ўргатмаган. Болалигимдан кўзи пишган. Албатта, бугунги ғалабаларда мураббийларнинг хизмати катта. Бугун уша болакай жамоамиз билан биргаликда, Ватанимизга тарихий воқеани олиб келяпти.

\*\*\*

Шахматда сир кўп, фикрлаш уҳдаси кўп. Бу ҳар бир юришда, нигоҳларда, ғалаба наҳидаси ёки маглубият чоғида аён бўлади.

Кеча Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида бўлиб ўтган 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида ўзбекистонлик шахматчилар дунёга кўп сирни очди: Ўзбекистон интеллектуал ривожланган ёшлар мамлақати. Янги Ўзбекистон ёшлари Учинчи Ренессансга муаллифлик қилди. Салоҳиятли ўзбек йигит-қизлари ўз мамлақатида бўлаётган бугунги

ислохотларга ҳар томонлама муносиб улғаймоқда. Бу юрт ёшларига ҳавас қилинг!

Шу чоғда бизнинг ҳам айтишимиз кўп. Уларнинг муҳими эса Президентимиз олиб бораётган халқчил ва навиқрон сиёсат шукӯҳи ҳеч биримизни тарқ этмасин. Ёшларимизга кўз тегмасин. Ғалабалар давомли, мустақиллигимизнинг 31 йиллиги муборак бўлсин!

Башорат ЮНУСОВА,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

# ЎЗБЕКИСТОНДА КАДРЛАР СИЁСАТИ ВА ИСТИҚБОЛ МАҚСАДЛАРИ

**Фарангиз ЗАЙНОБИДДИНОВА, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (РнД)**

малакасига кўра, лавозим зиналарида ўсишини таъминловчи “карьер модели”га ўтилди. Давлат хизматига киришнинг агентлик томонидан йўлга қўйилган очиқ мустақил танлов механизми орқали меритократия тамойили амалда ишлаб боради. Ушбу янги танлов тартиботлари соҳада таълим-билишчилик, непотизм ва турли коррупцион омилларни бартараф этди. Бугунги кунга қадар қарийб 1 миллионга яқин номзод вакант лавозимлар очиқ танловида қатнашди ҳамда 37 минг 173 фуқаро давлат хизматига қабул қилинди.

Эндиликда давлат органларида кимнингдир тавсияси ёки субъектив фикри эмас, балки барча учун тенг ва очиқ бўлган, инсон омили максимал камайtirилган, талабдорнинг малакаси ва касбий компетенцияларининг соғлом рақобатини таъминлайдиган “vacancy.argsos.uz” электрон портали орқали энг муносиб номзодлар танлаб олинмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “инсон кадри учун” гоёси амалда халқимизнинг кундалик ҳаётида ўз ифодасини топиши учун, албатта, давлат идоралари билимли, малакали ва фидойи кадрлар билан жамланган бўлиши керак.

Эътиборлиси, очиқ танловлар орқали ёшлар ва хотин-қизлар учун давлат хизматига кириш имкониятлари янада ортди. Хусусан, маҳаллардаги 9349 нафар ёшлар етакчиси ва 9349 нафар хотин-қизлар фаоли танловлар орқали ишга қабул қилинди. Шу асосда айтиш мумкинки, мазкур танловлар тизими орқали давлат хизматига адолатли ва шаффоф синовларда сараланган салоҳиятли, “ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрлар” кириб келмоқда.

## КЕЛАЖАК ЛИДЕРЛАРИ — МАМЛАКАТ ИСТИҚБОЛИ

Давлатимиз раҳбарининг иқтидорли ёшлар орасидан янги авлод захира кадрлари — “Келажак лидерлари”ни шакллантириш ташаббусини амалда жорий этиш мақсадида 4 босқичли танлов натижаларига кўра, республика бўйича жами 680 нафар энг муносиб йилдан-қиздан иборат “Келажак лидерлари” клублари ташкил этилди. Шунингдек, салоҳиятли ёшларни давлат фуқаролик хизматига тайёрлаш, ёш кадрларни селекция қилиш, интеллектуал жиҳатдан салоҳиятли ва фаол фуқаролик позициясига эга, теран фикрлайдиган, мустақил дунёқарашига эга ёш лидерлар қатлами шакллантириш мақсадида “Келажак лидерлари” дастури доирасида 30 ёшдан ошмаган, қобилияти, энг муносиб ёшлар раҳбарликка тайёрланди.

Бундан асосий мақсад эса янги авлод кадрларини янги тизим асосида бошқариш, уларни босқичма-босқич тайёрлаб боришдир. Чунки олий таълимни тамомлаган битирувчи фақат мутахассислиги бўйича муайян назарий билимларга эга бўлади. Истиқбол кадрларни тайёрловчи бундай тизимлар эса ёшлар учун давлат хизматида фаолият юритишнинг амалий мактаби вазифасини ўтайди.

Сингапур тажрибасида ҳам давлат хизматида қобилияти ва салоҳиятига кўра, 20–30 ёш оралиғидаги ёш мутахассислар кенг жалб этилгани, энг билимдон мактаб битирувчилари дунёнинг нуфузли таълим даргоҳларига тахсил олиш учун юборилгани ҳамда бундай давлат хизматчиларини шакллантириш орқали бошқарувда янги ёшларнинг ва замонавий фикрлаш юзасига келиб, мамлакат тараққиётига хизмат қилгани яхши маълум.

Бугунги кунда ёш кадрларга устоз-шоғирдлик аънаъни асосида кўп йиллик тажрибага эга ходимларни бириктириш ҳам яхши самара бериши шубҳасиз. Чунки бу аънаъна бир неча минг йиллардан буюн мавжуд, бирор касб эгаси йўқми, у устоз кўриб қамолга етмаган бўлсин.

Аmmo ҳозирги вақтда кадрлар сиёсатида кўпинча устозлик расмий ва профессионал тартибот сифатида қолиб кетмоқда. Шу боис, ёш мутахассис ва устоз мақомига лойиқ тажрибали давлат хизматчиси ўртасида ҳақиқий устоз ва шоғирдлик мулоқоти, қадрияти, одоби шартларини вужудга келтириш кун тартибидagi муҳим масалалардан биридир.

## ЯНГИ ҚОНУННИНГ АҲАМИЯТИ

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” тамойилини тўла рўйбга чиқаришга мустақам ҳуқуқий пойдевор яратди.

Қонун давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақоми, лавозимлар тоифалари ва малака даражаларини, давлат фуқаролик хизматида кириш, ўташ ва тугатиш жараёнларининг ягона тартиботини, кадрларнинг касбий-маънавий фазилатлари ва алоҳида хизматларини объектив ҳамда адолатли баҳолаш асосида хизмат поғоналари бўйича ўсиш кафолатларини, умуман, ягона давлат фуқаролик хизматининг ташкилий-ҳуқуқий механизмининг тартибга солиши назарда тутди.

Албатта, бу қонун қабул қилиниши давлат хизматида умрини бахшида этган фуқароларимизнинг узок йиллар кутган орзуларини рўйбга чиқарди ва соҳада ўз ечимини топмаган қатор тизимли муаммоларни ҳал қилишга қаратилди, десак адашмаган бўлаемиз. Хусусан, барча даражадаги давлат фуқаролик хизматчилари ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва хизматни амалга ошириш билан боғлиқ махсус чекловларнинг ягона тизими ҳамда давлат фуқаролик лавозимларини “сиёсий”, “бошқарув” ва “ёрдамчи” гуруҳларга ажратиш орқали уларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланди.

Шундай қилиб, энди “ким давлат фуқаролик хизматчиси, унинг ҳуқуқий мақоми қандай, ижтимоий кафолатлари нималардан иборат”, деган 30 йиллик баҳс-мунозараларга мазкур қонун нормалари ҳуқуқий ечим бўла олади.

## “SELF-DEVELOPMENT” — КОМИЛЛИККА ЭРИШИШ ИМКОНИЯТИ

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, энди давлат фуқаролик хизматчиси ўз касбий компетенцияларини мунтазам ривожлантириши, малакасини узлуксиз ошириб бориши унинг ҳуқуқи эмас, балки хизмат мажбурияти этиб белгиланмоқда. Илгари ходимлар малакасини ошириш қоида тарикасида амалга оширилган бўлса, энди кадрлар малакаси ва касбий фазилатларини ривожлантириб бориш уларнинг хизмат поғонасида ўсишида асосий ва муҳим омил ҳисобланади.

Шунинг учун, қонун билан давлат фуқаролик хизматчиларини хизмат поғоналарида ўстиришда очиқ ва шаффоф механизмларни жорий этиш орқали энг муҳим самарадорлик курсаткичлари (КРП) асосида баҳолаш тизими жорий этилиши назарда тутилган.

Шиддат билан ривожланаётган замонамизда ахборот кўлами ортиб бораётган, бу жараёнларда янги билимларни ўзлаштириш ва узлуксиз ривожланиш — давр талаби. Бу ўринда барча даражадаги раҳбар кадрлар ва ходимларнинг Life Long Learning (Ҳаёт давомида таълим олиш) тамойили асосида кўникмаларини ривожлантириб боришга қаратилган малака ошириш тизимини йўлга қўйиш зарур.

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ ФАОЛИЯТ КАФОЛАТЛАРИ КЕНГАЯДИ

Президентимиз давлат фуқаролик хизматини тубдан ислох этишининг яхлит тизимини асослаб, бу тизимни ташкил этувчи 5 та асосий йўналишни белгилаб берди.

Ушбу янги тизим асосида кадрларни танлаш, тайинлаш, лавозимларга қўйиш ва карьерасини таъминлашда очиқ-шоралик ва шаффофлик, давлат хизматчисини “маҳалладан республикагача ўстириб бориш” механизми, иш услубини мазмунан ўзгартириш негизида хизмат сифатини ошириш, давлат хизматчиси фаолияти кафолатларини таъминлаш ҳамда ходимларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг жараёнига асосан янги 2 та модели асослаб берилди. Ана шу модель негизида давлат хизматчисига нафақат талаблар қўйиш, балки унинг фаолият кафолатлари ҳам кенгайтириш таъкидланиб, ҳар бир кадрни тайёрлаш ва маҳоратли раҳбар учун субъектга айлантириш учун қанча маблағ, куч, вақт кетиши, ҳатто давлат хизматчисининг ўзи ҳам чекланган ресурс экани эътироф этилди.

Президентимиз давлат хизматчиси фаолият ваколатларини кенгайтиришда муҳим жиҳатлар бўлган ходимнинг моддий шароитларини яхшилаш, қўшимча устама ва йиллик бонус тўлаб бериш, ҳаёти ва соғлигини сугурталаш, ҳалол ва пок ишлаган давлат хизматчиларини учун кесаликни муносиб ўтказиш кафолатлари таъминланишига алоҳида тўхталди.

Бинобарин, айнан шу имкониятлар давлат хизматчисининг иши билан бевосита боғлиқ бўлган фаолияти кафолатланишига ҳам йўл очди. Фаолият кафолатлари эса, Президентимиз томонидан алоҳида қайд этилганидек, қуйидаги тамойиллар ижросини зарурий вазифалар сифатида кун тартибига чиқаради:

- одамларни рози қилиб ишлашни ўз фаолияти мазмунига айлантириш;
- фаолиятни ҳалол, пок, қонун устуворлигига риоя этиш, виждон амри ва адолат билан амалга ошириш;



“ҚОНУН ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ, ЛАВОЗИМЛАР ТОИФАЛАРИ ВА МАЛАКА ДАРАЖАЛАРИНИ, ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИГА КИРИШ, ЎТАШ ВА ТУГАТИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЯГОНА ТАРТИБОТИНИ, КАДРЛАРНИНГ КАСБИЙ-МАЪНАВИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ ВА АЛОҲИДА ХИЗМАТЛАРИНИ ОБЪЕКТИВ ҲАМДА АДОЛАТЛИ БАҲОЛАШ АСОСИДА ХИЗМАТ ПОҒОНАЛАРИ БЎЙИЧА ЎСИШ КАФОЛАТЛАРИНИ, УМУМАН, ЯГОНА ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАРТИБГА СОЛИШИНИ НАЗАРДА TUTADI.

— давлат сиёсати, халқ манфаатларига садоқат ва фидойилик билан хизмат қилиш;

- фаолиятни юксак профессионализм, ўзаро ҳамкорлик, шаффоф тарзда йўлга қўйиш, натижадорлик ва иш сифатини таъминлашни ўз фаолияти асосий кўрсаткичлари деб билиш.

## АКАДЕМИЯ — КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ОЛИЙ ДАРГОҲИ

Янги Ўзбекистон учун янги авлод раҳбар кадрларини тайёрлаш, адолатли, профессионал, натижадорликка йўналтирилган давлат бошқаруви тизими ва “мобиль бошқарув аппарати”ни шакллантиришда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси мамлакатда юқори малакали кадрлар захирасини шакллантириш сиёсатининг, инсон ресурсларини билан ишлашда меритократия тизимини жорий қилишнинг ягона олий таълим мактаби ва интеллектуал ядроси бўлиши лозим.

Қайд этиш керак, академия фаолияти ўтган йиллар давомида тўрт марта ислох қилинди. Биргина таҳлил — 2018–2021 йилларда Давлат бошқаруви академиясининг магистратура босқичини жами 267 тингловчи тамомлади. Бироқ ушбу контингентнинг ярмидан ортиси давлат фуқаролик хизматида фаолият юритмади.

Шунингдек, Президентимиз давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонун ижросини самарали таъминлашда кадрларни шаффоф ва адолатли тизим асосида тайёрлаш, ходимлар малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида урғу бериб, “бу борада таянч муассаса бўлган Давлат бошқаруви академияси энг илғор хорижий тажрибага асосида трансформация қилинади”, деб таъкидлади. Демак, академияда Янги Ўзбекистонда давлат бошқарувини такомиллаштириш талабларидан келиб чиқиб, қатор ислохотларни амалга ошириш зарур. Аввало, кадрлар тайёрлаш ва илмий-тадқиқот жараёнларини трансформация қилиш ҳамда моддий-техника базасини модернизациялаш лозим. Ҳуқуқ жараёнини хорижий таълим стандартларига ҳамда миллий раҳбаршунослик кадрларига мос ҳолда кредит-модуль тизими асосида ҳамда замонавий рақамли технологияларни қўллаш орқали ташкил этиш, давлат хизматчиларининг назарий билим ва амалий кўникмаларини, касбий маънавиятини узлуксиз ривожлантириб бориш чораларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, магистратура босқичининг қулай, қисқа муддатли ва сиртки шакллари ташкил этиш, қайта тайёрловлар орқали кадрлар касбий салоҳиятини янада юксалтиришга илмий-услубий кўмаклашиш, ўқув ва илмий-тадқиқот жараёнларига хорижий мутахассисларни жалб этиш ҳамда етакчи хорижий ва маҳаллий олий таълим ташкилотлари билан биргаликда қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш ҳам гоёт долзарбдир.

Бу орқали тингловчиларда тизимли таҳлил ва стратегик режалаштириш, ташаббускорлик, инновацион тафаккур, креатив фикрлаш, натижа учун ишлаш ва ноҳандар вазиятларда мақбул қарорлар қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш, қайта тайёрланувчи раҳбар кадрларнинг замонавий бошқарув ва лидерлик қобилиятини юксалтириш, халқ билан очиқ мулоқотини йўлга қўйиш, лойиҳавий бошқарув ва нотиклик санъати каби компетенцияларини оширишга эришиш мумкин бўлади.

Айниқса, вазир, ҳоким ва уларнинг ўринбосарлари лавозимларига номзод сифатида Миллий кадрлар захирасига киритилган шахслар учун “Президентнинг захира кадрлари”ни тайёрлаш дастурларини йўлга қўйиш ҳамда ёшларни тизимли равишда бошқарув ишга тайёрлаш ва давлат хизматида йўналтиришни янада рағбатлантириш мақсадида “Келажак лидерлари” истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини ташкил этиш орқали салоҳиятли янги авлод захира кадрлари шакллантирилади.

Энг муҳими, Давлат бошқаруви академияси давлат хизматидаги тўртта бўғин кадрларнинг касбий билим ва компетенцияларини доимий янгилаб боришга, давлат хизматчиларининг малакасини узлуксиз ошириш ва қайта тайёрлашга хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, Давлат бошқаруви академияси Президент сиёсатининг садоси баралла чиқадиган жой бўлмоғи зарур!

## ХУЛОСА

Барча замон ва маконларда мамлакатлар тақдир бошқарув кадрлари фаолияти билан ҳамбаркас боғлиқ бўлган ва шу боис, бу йўналиш давлат сиёсатининг ҳал қилувчи жабҳаси бўлиб қолмоқда. Зеро, ҳар бир соҳа тараққиёти махсус касбий компетенциялар ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, етук шахслар воситасида амалга оширилади.

Бугунги Ўзбекистонда давлатнинг кадрлар сиёсати ушбу тарихий мероснинг ўрни ва таъсирини трансформация қилиш ва давлат хизматчилари, раҳбар кадрларни танлаш, тайёрлаш, жой-жойига қўйишнинг мазмун ва йўналишларини белгилаб берувчи мақсад ва тамойиллар ҳамда амалиёт мазмуни тубдан ислох этилишини ҳам ўзида ифода этади.

Ушбу жараёни тизимли асосга қуриш бошқарув лавозимларига номзод сифатида Миллий кадрлар захирасига киритилган шахслар учун раҳбарлик компетенцияларини ривожлантиришнинг инновацион таълим-тарбияга қаратилган кадрлар касбий билим ва компетенцияларини доимий янгилаб боришга, уларнинг малакасини узлуксиз ошириш ва қайта тайёрлашга хизмат қилади. Мазкур фаолиятнинг теран илмий-амалий асосга қурилиши эса давлат органлари ва идораларида инсон ресурсларини бошқаришни янада оптималлаштирилади.

Бугунги кунда ёш давлат хизматчиларини Янги Ўзбекистон тараққиёти талабларига мос миллий-замонавий раҳбар кадрлар қилиб етиштириш дунёда кечаётган шайқатсиз рақобатли кураш шартларидан биридир. Ушбу фаолият ўз самарасини бериши учун жаҳон ва миллий тажриба уйғунлигига эришиш, раҳбар кадрларни тайёрлашда устоз-шоғирдлик аънаваларини илмий ўрганиш, тиклаш, модернизациялаш, замонавий бошқарув кадрларини вужудга келтириш ўта муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, давлат хизматида 30 йилдан буюн ўз ечимини топмаган тизимли муаммоларни ҳал қилишга қаратилган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун нормаларининг самарали ижросини таъминлаш орқали давлат фуқаролик хизматини тартибга солиш соҳасида илгор тарқаро стандартларга жавоб берувчи ягона тартибот шакллантирилади ҳамда давлат фуқаролик хизматида малакали кадрларни фаол жалб қилиш, улар салоҳиятини ошириш, фидойи, халқпарвар ва рақобатбардош кадрлар сифатида тарбиялаш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади.

Бошланиши 1-бетда

## МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ КАДРЛАР ИСЛОҲОТИ ЧИЗГИЛАРИ

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк жараёнлари янги таркиб топаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатлар моҳиятини англаб, мустақиллик талабларига жавоб берадиган янги раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш билан боғлиқ бўлди.

1997 йилда истеъдодли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Умид” жамғармаси тузилди. Бу жамғарма кўмагида 1997–2003 йиллар давомида дунёнинг нуфузли олий таълим муассасалари бакалаврият ва магистратура таълим йўналишларида жами 828 нафар истиқболли йилдан-қиз тахсил олди.

Ривожланишнинг замонавий тажрибаси кўрсатдики, давлат органлари ва ташкилотларнинг малакали мутахассислар билан етарли даражада таъминланмаётгани, кадрлар малакасининг юклатилган вазифалар ва замонавий эҳтиёжларга номувофиқлиги ҳамда қабул қилинаётган қарорлар сифати пастигига олиб келаётган қатор тизимли муаммолар ва камчиликлар кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимида янги ислохотлар ўтказишни тақозо этди.

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВРИ

2016 йилдан мамлакатимиз ҳаётида янги тарихий давр бошланди. Давлат бошқарувида йиллар давомида амал қилган “давлат — жамият — инсон” тамойили инсон ва давлат ўртасидаги муносабатлар моҳияти ва фалсафасини янгича тақдир этадиган “инсон — жамият — давлат” тамойилига алмаштирилди. Бундан ҳар бир ислохот, энг аввало, инсон қадри учун экани белгиланди.

Ўз навбатида, ушбу сиёсий жараёнларда давлат хизматида кадрлар масаласига ҳам янгича қараш пайдо бўлди. Президентимиз амалий натижадорлик ва халқ манфаатларини рўйбга чиқариш ҳуқуқат аъзолари фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони бўлиши шартлигини қатъий белгилаб берди. Натижадорликка эса фақат ўз ваколати доираси ва лавозим мажбуриятларини теран англайдиган, зарур малака ва компетенцияларга эга салоҳиятли кадрлар орқали эришиш мумкин.

Бугунги замон суръати ҳам консерватив ҳислатларга эга давлат хизматчисидан турли ўзгаришларга мослашувчан, тезкор ҳамда оптимал қарорлар қабул қила оладиган, тизимли ва танқидий фикрловчи, лидерлик, вақтни бошқариш ва ташаббускорлик каби кўникмаларига эга кадрларга эҳтиёжни вужудга келтирди. Шу сабабли сўнгги йилларда кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизими тубдан такомиллаштирилди.

2019 йилда давлат органлари ва ташкилотларда ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Агентликка давлат кадрлар сиёсати соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат фуқаролик хизмати трансформациясининг гоёвий платформасини, уни ривожлантириш дастурларини ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, соҳада инновацион усулларни жорий этиш, юқори малакали мутахассисларни ва истиқболли кадрларни давлат фуқаролик хизматида кенг жалб этиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда Миллий кадрлар захирасини таркиб топтириш ва бошқариш бўйича вазифалар юклатилди.

Яна бир муҳим жиҳат, янги кадрлар сиёсатида аввалги номенклатура ёндашувлари бекор қилиниб, кадрларни селекция қилиш, ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш, малакасини ошириш, кадрларнинг иқтидори, салоҳияти ва





ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ — РИВОЖЛАНИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ТАМОЙИЛИ



Бекзод НАРИМОНОВ, Тошкент давлат юридик университети Конституциявий ҳуқуқ кафедраси мудири

Президентимиз жорий йил 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқиди ҳозирги ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган “Инсон — жамият — давлат” деган ёндашувни Конституцияимизнинг мазмунига чуқур синдириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлан-тиришимиз зарурлигини алоҳида таъкидлади. Инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва гурури бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши алоҳида қайд этилди.

“Инсон қадрини юксалтириш ҳақиқатда давлат ҳокимияти органларининг конституциявий бурчи ва устувор вазифаси бўлмоғи шарт. Янгилаётган Конституцияимизда ушбу тамойиллар аниқ ифода этилиши, ўзининг мукамал ҳуқуқий ечимини топиши зарур”, деди Президент.

Таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқлари оид халқаро ҳуқуқий нормаларни бажариш ҳам давлат мажбурияти сифатида қаралади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протокоliga қўшилган. Уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий кўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 1-моддасида “Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак”, деб белгиланган.

БМТнинг 1966 йил 16 декабрдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактининг 2-моддасида “Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз ҳудудига турган ва ўз юрисдикцияси остида бўлган барча шахсларнинг ушбу Пактда эътироф этилган ҳуқуқларини ҳеч бир айирмачиликисиз, жумладан, irqи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки иجتимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, туғилиши ёки ўзга ҳолатидан

қаъти назар, ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбуриятини олади” деб белгиланган.

Конституциявий қонун лойиҳасига кўра, Асосий қонуннинг 13-моддасида инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, уларга риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш давлатнинг мажбуриятидир, деб аниқ белгиланаётгани давлатимиз демократия ва инсон ҳуқуқларининг умумэътироф этилган ғоялари ва қадриятларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга содиқлигининг яққол исботидир.

Айрим ҳолларда, қонунчилик билан фуқарога бажариб бўлмайдиган ёки бажариш қийин бўлган мажбуриятлар юқланишига гувоҳ бўлганмиз. Аслида, қонунлар инсонга ҳеч қачон ортиқча талаб қўймаслиги керак. Қонун инсон

қонун лойиҳасига мувофиқ, Бош қонунимизнинг 13-моддасига бу борада инсонга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораси давлат органи томонидан қўзланмайдиган қонуний мақсадга эришиш учун етарли бўлиши ҳамда манфаатдор шахсларга имкон қадар қийинчилик туғдирмаслиги кераклиги қайд этилмоқда.

Ушбу янги киритилаётган қўшимча давлат билан муносабатларда инсон ҳуқуқларини тўлақонли таъминлашга замин яратади. Шунингдек, фуқароларнинг давлат идоралари билан муносабатларида юзага келадиган қатор муаммо ва вазифаларни инсон ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш имконини кенгайтиради.

Ҳуқуқий давлатда барча муносабатлар аниқ қоидалар билан тартибга солинган бўлиши керак.


“ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРНИ БАЖАРИШ ҲАМ ДАВЛАТ МАЖБУРИЯТИ СИФАТИДА ҚАРАЛАДИ. ҲОЗИРГИ ВАҚТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА 80 ДАН ОРТИҚ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚЛАРГА, ЖУМЛАДАН, БМТНИНГ 6 ТА АСОСИЙ ШАРТНОМАСИ ВА 4 ТА ФАКУЛЬТАТИВ ПРОТОКОЛИГА ҚЎШИЛГАН. УЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЮЗАСИДАН БМТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИ ВА ШАРТНОМАВИЙ КЎМИТАЛАРИГА МУНТАЗАМ РАВИШДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗАЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИБ КЕЛМОҚДА.

ҳаётини оғирлаштириши эмас, балки имкон қадар энгиллик бериши лозим.

Айтилик, сиз оилангиз билан автоуловингизда вилоятга йўл олдингиз. Тошкент шаҳридан чиқишда тўланмаган жаримангиз мавжудлиги аниқланса, сизнинг автоуловингиз махсус тўхташ жойига олиб борилади. Шундай ҳолатда давлат органи томонидан қўзланмайдиган қонуний мақсад сиздан жаримани ундириш ҳисобланади. Эндиликда аниқланган қарздорлик бўйича тўлово амалга оширилса, автоуловни махсус тўхташ жойига олиб боришга ҳожат қолмайди, ҳаракатланишни давом эттиришга рухсат берилади. Ана шундай муҳим ҳуқуқий асослар Конституция даражасида ҳам мустаҳкамланаётгани инсон эрки ва ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Конституциявий

Ҳеч бир муносабат ҳуқуқий ечимсиз қолмаслиги шарт, дейимиз. Аммо замон ривожланган сари ечим қонунчиликда кўрсатилмаган ёки ноаниқликларга сабаб бўлган айрим ижтимоий муносабатлар, шундай вазиятлар ёки ҳолатлар вужудга келиши мумкин. Бу инкор этиб бўлмас факт, аксиома. Асосийси, мана шундай ҳолатларда муаммо кимнинг фойдасига ва қандай тартибда ҳал этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу тамойил одатда жиноят процесси иштирокчилари ҳуқуқларини, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доирасида кенг қўлланиб келмоқда. Эндиликда ушбу тамойилнинг Конституцияда мустаҳкамланиши инсон иштирок этиши мумкин бўлган ҳар қандай ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга талқин этиш имконини беради.



Инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатга киришишда қонунчиликдаги бар-тарafd этиб бўлмайдиган барча қарама-қар-шиликлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилинишининг Конституция даражасида белгиланиши, аввало, инсон қадрини улуғлаш бўйича улғур гоҳнинг амалга татбиқ этилиши-га замин яратади. Ҳужжатларда ноаниқлик ва қарама-қаршилик пайдо бўлганда давлат ман-фаатлари эмас, инсон манфаатларига устувор-лик берилса, халқимизда адолат ва ҳақиқатта ишонч кучаяди.

Табийки, инсон дилида ишонч ва розилик туйғуси жўш урса, жамиятда тинчлик ва та-раққиёт бўлади. Бугун юртимизда бутун халқи-миз билан ҳамнафасликда амалга оширила-ётган конституциявий ислохотлар бизни ана шундай ёруғ келажак, ривожланиш ва юксалиш сари етакламоқда.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Усмонали НОРМАТОВ, журналист

ДЕНОВЛИК ТАДБИРКОР

60 нафар хотин-қизни ишли қилди

Денов туманидаги Чим маҳалласида бўлганимизда маҳалла идорасига маслаҳат сўраб келган Латофат Сафаровани оқсоқол бизга таништирди ва қўшимча қилди: “Бир гуруҳ қизлар билан қўшни маҳалладаги корхонада меҳнат қилади. Бу тенги кўпчилик қизларнинг хунари йўқ, ишсиз. Латофат қизимиз эса анча укувли, чаққон, ишлаб ота-онасига рўзғор тебратишда ёрдам берапти...”

Унинг қаерда ишлашига қизиқдик. Қўшни Жаматак маҳалласидаги хусу-сий корхонада уч йилдан бери меҳнат қилаётганини айтди.

Шу сўхбат туртки бўлиб, Жаматак маҳалласига боришни дилга туғдик. Қўрбонали Казаков раҳбарлик қилаётган “Рамазон текстил” оилавий корхона аъзолари анчадан буён мамлакатимиз-да ишлаб чиқарилаётган савқиз турда-ги автомашиналар ҳамда Россиянинг “ГАЗ-21-06” русумли автомашинаси ўриндиқларига ғилоф тайёрлар экан.

Тадбиркорнинг ҳовлисида бир нечта дастгоҳ тартиб билан жойлаштирилган. Узун ва кенг залда икки қаторда жой олган 25 та тикув машинасини тикувчи-лар тўхтовсиз ишлатаяпти. Автомашиналарнинг русумига қараб, ўриндиқлар учун қоплама тайёрлаш жараёни тикувчидан зехн билан ишлашни талаб этади. Тикувчиларнинг бирови қалин мато чокларини тикса, бир тикувчи со-тувга тайёр ғилофларга сумка тикаяпти. Хуллас, бир-биридан чаққон 25 нафар тикувчи дастгоҳларидан кўз узмай, ўз ишлари билан банд. Ҳар бири ўз зиммасига юклатилган вазифани тез ва сифатли бажариш, кўпроқ махсу-лот тайёрлаш ҳаракатида. Чеварлар 8 соатлик меҳнати жараёнида кунига 100, бир ойда 3 минг комплект авто-машина ўриндиғи ғилофини сотувга чиқаради.

Оилавий корхона чеварларининг иши билан қизиқиб, тушлик вақти бўл-ганини ҳам сезмай қолибмиз. Ошпаз — тадбиркорнинг онаси Зурад Шарипованинг “Овқат тайёр бўлди, ҳамма тушликка!” деган чорловидан сўнг тикув машиналари овози тинди...

Қўрбонали Казаковнинг дастурхонидан ҳар куни 60 нафар ишчи ризқланади. Ишчилар учун бундай қулайлик барча корхоналарда ҳам йўқ.

Тикувчиларнинг кўпчилиги қўшни Қовунлисой, Чим, Тасмасой маҳалла-ларидан қатнагани учун тадбиркор-нинг шахсий “Исузи” русумли автобуси эрталаб ва ишдан сўнг уларнинг хиз-матида бўлади. Ишчилар тайёрлаган маҳсулотнинг сони ва сифатига қараб 3 миллион сўмгача маош оляпти.

— Уйимда тикув машина бор, буюртмаларни уйга олиб кетиб тиксам ҳам бўлади. Лекин жамоа билан бирга ишлашнинг гашти бор, — дейди Ирода Довидова.

Тушлик вақтидан фойдаланиб, тадбиркор билан сўхбатлашдик. Самимий, ошқ кўнгил, камтар Қўрбонали Казаков тажрибаларини эринмай ҳи-қоя қилди.

— Корхонада кунига 100 комплект ғилоф тайёрланар экан, шунча махсу-лотга харидор борми?

— Автомашина харид қилган киши борки ўриндиқларига доғ тушмаслиги-ни ўйлаб, ғилоф ўрнатишни истайди. Тахминий ҳисоб-китобга кўра, ҳозир Сурхондарёдаги юридик ва жисмоний шахсларнинг қарийб 600 мингта энгил автомашинаси бор. Қолаверса, Сурхон-дарёда корхонамизга рақобатчи йўқ, — дейди Қўрбонали. — Автомашиналар эгаларининг 30 фоизи ўриндиқларига ғилофни бошқа жойдан олишганда ҳам махсулотимиз сотилмай қолмайди.

— Ғилофларни сотувга чиқарасиз-ларми ёки автомашина эгалари буюрт-ма берадиларми?

— Буюртма берадиганлар ҳам кўп. Уларнинг хоҳиши ва танлаган дизай-нига қараб ғилоф тикамиз. Махсулоти-мизнинг асосий қисми Денов, Қарши ва Самарқанд шаҳридаги хусусий дўконла-риимизда сотилади, — дейди тадбиркор. — Матоларни биринчи қўлда олаёт-ганимиз учун махсулотимиз эрзон, бир комплектининг нархи 200 минг сўмдан қиммат эмас. Нархлар харидорни қо-чирмайдиган даражада бўлишига са-баб шунки, оилавий корхонамиз шахсий уйимизда ташкил қилинган. Ижара ҳақи тўламаймиз. Бунинг устига матоларга гул босадиган дастгоҳни бундан анча



аввал Хитойдан келтирганмиз. Кунига корхонамиз тикувчилари 400 метр қалин ва пишик матодан ғилоф тайёрлашади. Бу матоларга шу дастгоҳимизда гул бо-силади ва ҳар хил нақшлар чизилади. Агар биз гул босилган, нақш чиқарилган тайёр матони бозордан харид қилсак, бир метри баҳасига 7 минг сўм қўши-лади. Узимизда дастгоҳ борлиги ҳамда кунлик ишлатилаётган 400 метр матога гул ва нақш босаётганимиз ҳисобига кунига 280–300 минг сўм иқтисод қили-япти. Шубҳасиз, бу ҳам махсулотимиз-нинг арзонлашишига хизмат қилади. Айна шунинг учун ҳам ғилофларимиз-нинг бозори чаққон.

— Тадбиркорлиқни қандай бошлага-нингиз ҳақида гапириб берсангиз?

— Бугун олий таълим муассасала-рида ўқиш истагида бўлган ва тахсил олаётган ёшларнинг асл мудароиси келгусида жамиятда ўз ўрнини топиш, бир касбнинг эгаси бўлиш ва яхши яшашдан иборат. Мен ҳам худди шун-дай ниятда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини битирган-ман. Қўлимга диплом теккач, қишлоққа қайтиб ирригация тизимига ишлашди. Ота-онам оддий ишчи эди, боз устига, бир этак фарзандлари бор. Уйлани-шим ва уй қуришим учун ташкилотдан

берилмайдиган маошга қараб турсам, ёшим 40 га бориб қоларди. Таваккал қилиб ишдан бўшаш ҳақида ариза ёз-дим-да, Самарқанд шаҳрига йўл ол-дим. Бир хунарманд тадбиркор билан танишимиз ва тўрт йил унинг шахсий корхонасида ишлаб хунар эгалладим, тадбиркорлик сирларини ўргандим. Бу орада мамлакатимизда ишбилармон-лик муҳити яратилди, имтиёз ва им-кониятлар берилди. Тадбиркорлик қи-ламан деган киши қийинчиликлардан сира чучимаслиги кераклигини усто-зин ҳар дамда эслатиб турарди. Денов тумани Ёшлар иттифоқи хузуридаги жамғармадан 300 миллион сўм имти-ёзли кредит олиб, фаолиятимни бош-лаганман. Шунга ҳам 6 йилдан ошди. Кўз тегмасин, ишимиз олға силжияпти. Укаларим — Қодирали, Қаҳқорали, Дилмурод суянчим, ота-онам менга маслаҳатчи — дуоғуйларим.

Айтиш керакки, энди 33 баҳорни қар-шилаган қаҳрамонимиз тиниб-тинчи-майди. Ҳар дақиқа вақтини қадрлайди, вақт бу — бойлик деган ақидига амал қилади. Ўтган йили Денов шаҳрининг Буюк келажак маҳалласи худудига ёшлар иқтисодий зонаси ташкил қи-линаётганидан хабар топди. Ариза топширган эди, бизнес-режаси билан танишган мутахассислар бошқалар

қатори унга ҳам 15 сотих ер ажратилди. Ўз сармоясидан 2 миллиард сўм сарф-лаб, узунлиги 45, эни 30 метрлик кенг ва шинам бино қурди. 30 та тикув ма-шинкасини жойлаштириб, шу маҳалла-даги хотин-қизларни ишга жалб қилди.

Ишчиларнинг 40 нафари расмий рўйхатдан ўтган, корхона улар учун солиқ тўлайди. 20 нафар хотин-қиз эса касаначилик асосида меҳнат қилаяпти. Тикувчиларнинг 12 нафари “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган. Бош-дан дўппини олиб, бир чамалайлик: бугун корхонада 60 нафар хотин-қиз ишлаётган бўлса, ҳар бирининг қара-моғида ўртача 3 нафардан фарзанди борлигини ҳисобга олсак, оилавий кор-хонанинг 60 нафар аъзоси даромади эвазига 180 нафар киши ризқланыпти, десак муболага бўлмайди.

Ишбилармон Қўрбонали Казаков келгуси режалари, ниятлари ҳақида қанчалар оилавий корхонада ярим чарм махсулотларидан автомашиналар ичиға тўшаладиган гиламчалар тайёрланади, руль чамбаргаи ва тор-педоси устига ёпиладиган ғилофлар тикишга киришляпти. Шу ҳисобда қў-шимча иш ўрни яратилади.

— Президентимизнинг 2021 йил 5 августдаги “Маҳаллаларда тадбир-

корликни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳо-ли ўртасида кооперацияни ривожлан-тиришининг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Жаматак маҳалласига етакчи тадбиркор сифа-тида бириктиришди. Корхонамизга 2 миллиард сўм кредит берилди ва биз бу сармоёга маҳалладаги аёллар-ни касаначилик асосида ишга жалб қилишимиз керак эди. “Ипотека банк” Денов тумани филиалидан 800 мил-лион сўм кредит берилди. Бу сармоёга 40 та тикув машинаси харид қилиб, касаначилик асосида ишлаш бўйича шартнома тузган хотин-қизларга тарқат-дик. Аммо кредитнинг қолган қисми ҳо-зирча ажратилмай тургани учун тикув машинасига эга бўлган аёллар кутиб турибди, — дейди тадбиркор.

Игитининг омади чопса, муваффақия-ят изма-из келавараркан. Қўрбонали Казаковнинг удабуронлиги ва тад-биркорлигини эътиборга олган раҳбар-лар уни туман ҳокимининг Жаматак маҳалласидаги ёрдамчиси вазифа-сига тайинлашди. Маҳаллада 4225 нафар киши ишқомат қилади. Ҳозир ёрдамчининг фикри-хаёли биринчи галда 319 нафар ишсиз фуқаро бан-дчилигини таъминлашга қаратилган. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорлик-ни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжалик-ларининг улушини ошириш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги қарорига асосан галладан бўшаган 11,4 гектар ер ижти-моий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 114 нафар аъзосига 10 сотихдан ўн йил муддатга ижарага берилди. Ишсизлар рўйхатига киритилган 15 нафар хотин-қизга банклардан кредит ажратилди. Энди ёрдамчи айрим оилаларнинг томорқасида иссиқхона қуриб бериш ташвишюнда юрибди. Яқинда Қўрбонали маҳалладошлари манфаати йўлида зғу ишга қўл урди. Шахсий сармоёни қўриб олишга ўртача арзани кудуги қаздириб, сув чиқарди. Яшириш-нинг ҳожати йўқ, шу пайтгача арзқ су-вини ичиб келаятган 140 та хонадондан иборат қишлоқдошлари бундан буён тоза сув истеъмол қиладилар.

Шу ўринда беҳтиёр Амир Темур бобомизнинг: “Азми қаъий, тадбир-кор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши, минг тадбирсиз, лоқайд киши-дан яхшироқдир”, деган ҳикмати хаёл-дан ўтди. Назаримизда, бу ҳикматона ибора айнан Қўрбонали Казаковга ўх-шаш замон тадбиркорлари шаънига битилгандек.

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

# ЎЗ ТИЛИГА САДОҚАТ — ЧИН ВАТАНИЙ ИШ

“ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ УЛУҒ АЛЛОМА, XX АСР БОШИДА ОЛТИ ТИЛИ — ЎЗБЕК, АРАБ, ФОРС, ҲИНД, ТУРК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ЛУҒАТ ТУЗГАН ИСҲОҚХОН ИБРАТИНИГ МАНА БУ ҲИҚМАТЛИ СЎЗЛАРИНИ ЭСЛАТГАНИ ҲАМ БЕЖИЗ ЭМАС: “БИЗНИНГ ЁШЛАР АЛБАТТА БОШҚА ТИЛНИ БИЛИШ УЧУН САЎЙ-ҲАРАКАТ ҚИЛСИНЛАР, ЛЕКИН АВВАЛ ЎЗ ОНА ТИЛИНИ КЎЗЛАРИГА ТЎТИЁ ҚИЛИБ, ЭҲТИРОМ КЎРСАТСИНЛАР. ЗЕРО, ЎЗ ТИЛИГА САДОҚАТ — БУ ВАТАНИЙ ИШДИР”.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**  
Маданият вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлариға рия этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси

Биз қадимий шаҳарларимиздаги ноёб меъморий обидалар тимсолида ажодларимизнинг ақлу заковати, меъморчилик санъатига таҳсинлар айтиб, улар билан гурурланамиз. Ёшларимизга ана шу иншоотларнинг тарихини ҳикоя қилиб бериш баробарида, улғу боболаримизга муносиб бўлишга бурчли эканлигини уқтираемиз. Одатимизга кўра, юртимизга ташир буюрган меҳмонларга ҳам муқаддас қадамжоларимизни кўрсатиб, буюк ўтмишимиздан сўз очамиз. Ҳеч шубҳасиз, йиллар, замонлар ўтиб, бугун мамлакатимизда яратилаётган янги тарих, янги тараққиёт даврини ҳам келажак авлод катта фахр билан тилга олади.



маънавий бойлигимиз, буюк қадриятимиз бўлган ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомини, том маънода, юксалтириш йўлида тамал тоши қўйилган тарихий мажмуа экани билан қадридир. Йиллар, асрлар ўтиб, келажак авлод ушбу иншоот тарихи билан қизиққанда, албатта, бу воқеа гурур билан тилга олинади.

## Давлат тилига эътибор, мустақилликка эътибордир

Таъкидлаш жоизки, аслида она тилимизга давлат тили мақоми берилиши осон кечган эмас. Бунини ёши улғулар жуда яхши билади. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида, ҳали мустабид тузум ўз ҳукмини ўтказиб турган бир шароитда “Давлат тили ҳақида”ги қонун лойиҳасининг муҳокама қилинишиёқ катта жасорат, катта воқеа, халқимиз озолиққа, истиқлолга яқинлашаётганини ифодалайдиган бир муҳда эди. Аммо қонун лойиҳаси муҳокамаси жараёнида жиддий муаммолар ҳам юзга келди. Яъни Ўзбекистонда иккита тилга давлат мақоми берайлик, деган фикрлар ўртага ташланди. Ушбу масала устида узоқ торттишувлар, баҳслар бўлди. Бироқ иккинчи тилга ҳам давлат тили мақоми берилиши ўзбек тилининг аҳамиятини, моҳиятини янада паस्ता тушириб юбориши мукаррар эди. Шу боис, узоқ муҳокамалардан сўнг, фидойи ва ватанпарвар зиёлиларимиз, кенг жамоатчиликнинг қатъий иродаси,

“**АСЛИДА ОНА ТИЛИМИЗГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛИШИ ОСОН КЕЧГАН ЭМАС. БУНИ ЁШИ УЛУҒЛАР ЖУДА ЯХШИ БИЛАДИ. ЎТГАН АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИ ОХИРИДА, ҲАЛИ МУСТАБИД ТУЗУМ ЎЗ ҲУҚМИНИ ЎТКАЗИБ ТУРГАН БИР ШАРОИТДА “ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА”ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ МУҲОКАМА ҚИЛИНИШИЁҚ КАТТА ЖАСОРАТ, КАТТА ВОҚЕА, ХАЛҚИМИЗ ОЗОДЛИҚКА, ИСТИҚЛОЛГА ЯҚИНЛАШАЁТГАНИНИ ИФОДАЛАЙДИГАН БИР МУҲДА ЭДИ.**

шижоати билан битта тилга, яъни ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Қабул қилинган қонунда бошқа тилларни чеклайдиган ёки уларга тўсиқ бўладиган, қўллашда қандайдир хурматсизлик, эътиборсизлик қилинадиган ҳеч қандай қоида назарда тутилмаган. Аксинча, бошқаларнинг она тилига ҳам чуқур ҳурмат тушунчаси алоҳида эътиборга олинган.

Қонуннинг қабул қилиниши ўзбек халқи тарихидаги жуда катта ҳодиса бўлди. Аммо очигини айтиш керак, ажодларимизнинг узоқ йиллик орузи, армонлари рўёбини кўрган бахтли авлод сифатида биз яқин-яқингача тилимизни янада юксалтириш, ривожлантириш, давлат тилини тўлақонли жорий этиш ишларига етарли даражада аҳамият қарата олмадик. Ваҳоланки, мустақиллигимиз, эркимиз ўз қўлимизда, қарорларимизни ҳам ўзимиз

қабул қиламиз, тақдиримизни ўзимиз белгилаймиз. Бироқ негацир давлат тилини амалда қўллашда тизимли иш олиб борилмади, яхлит бир механизм яратилмади. Натижада “қилинди-қилинди”, “бажарилди-бажарилди” қабилда тadbирлар ўтказишни одатга айлантирдик. Октябр ойида “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинган кун муносабати билан она тилимиз ҳақида кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил қилинар, мақолалар ёзиларди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев улғу аллома, XX аср бошида олти тили — ўзбек, араб, форс, Ҳинд, турк ва рус тилларида луғат тузган Исҳоқхон Ибратнинг мана бу ҳиқматли сўзларини эслатгани ҳам бежиз эмас: “Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат — бу ватаний ишдир”.

Агар мана шу тушунча юракдан мустаҳкам жой олса, одамлар, дейлик, дўкони ёки хизмат кўрсатиш биноси пештоқига ўзга тилдаги сўзларни ёзишдан табиий равишда тийиларди. Уни биров назорат қилиши ҳам шарт бўлмади.

2019 йил 21 октябрда Президентимизнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва маъқени тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти (ҳозирги ватқда Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти деб юритилади) ташкил этилди.

21 октябр санаси “Ўзбек тили байрами кун” сифатида белгиланди. Шунингдек, 2020 йил 20 октябрда давлатимиз раҳбарининг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилиниб, у билан “2020–2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси”, “2020–2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари” белгиланди.

Давлат бошқаруви органлари, ҳу-



минбардан ўзбек тилида нутқ сўзлаши олиқшланди. Чиндан ҳам, дунёдаги миллиардлаб инсонлар кўз ўнгига Президентимизнинг она тилимизда сўзлагани шу миллат фарзанди сифатида ҳар биримизни гурурлантиради.

Умуман, охириги 5-6 йилда мана шу йўналишда 20 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, давлатнинг тил сиёсати, маънавий-маърифий ишлардаги аниқ позицияси ифодаланди, ўзига хос тизим шакллантирилди. Энди асосий гап ана шу ҳужжатлар ижросини самарали таъминлашга боғлиқ. Тўғри, бирданига ҳамма камчиликлар бартараф этилиб, муаммоларга барҳам берилди, дейишга ҳали жуда эрта. Лекин, муҳими, амалий иш ва натижа кўзга кўринди. Вазирлар Маҳкамасининг Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти, барча ташкилотлардаги раҳбарларнинг шу йўналишдаги маслаҳатчилари ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва маъқени ошириш йўлида ҳамжиҳат бўлиб, изчил саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоида-сиғасига айлантиришимиз лозим”.

## 2023 йил 1 январдан бошлаб...

Маданият вазирилик тизимида ҳам Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни, Президентимизнинг қориди номлари келтирилган фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари белгиланган талаблардан келиб чиқиб, иш юритиш ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш амалиётига ўтилган. Иш қозғоғлари, турли бланклар лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида бўлиши таъминланган.

Аҳамиятлиси, маданият вазири тил масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Маданият ва санъат соҳасининг ҳар бир вақили бу борада масъулиятни чуқур ҳис этиши шартлигини уқтиради. Давлат тилида иш юритиш асослари, нутқ маданиятини ривожлантириш бўйича улғу курсла-

рида иштирок этишга эҳтиёжи бор ходимларга тегишли шароитлар яратилади.

Шу вақтгача вазирлик расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ахборотлар лотин ва кирилл ёзувида жойлаштириб келинган бўлса, жорий йил апрель ойидан эътиборан ахборотларни тўлиқ лотин ёзувидаги ўзбек алифбосида тақдим этиш амалиётига ўтилди. Вазирлик ҳудудий бўлиналари ва тизим ташкилотларининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ҳам босқичма-босқич лотин ёзувида ўтиш жараёни кетмоқда. Эълон қилинаётган материалларда имловий хатоларга йўл қўймаслик чоралари кўриляпти. Мабодо шундай ҳолатлар аниқланса, у тезкорлик билан бартараф этиб борилмоқда.

Хабарингиз бор, 2023 йил 1 январдан бошлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари вазирлик, идоралар билан келишидан олдин лингвистик экспертизадан ўтказилади. Бунда жумлаларнинг соддалиги ва қисқалиги, таърифларнинг аниқлиги, имло, услубий, грамматик ва орфография қоидаларига мослиги, янги атамалар, шунингдек, соҳа атамаларининг тўри қўллангани, сўз бирикмаларининг ўзаро тўғри боғлангани каби жиҳатларга эътибор қаратилади. Маданият вазириликда бу жараён таъриба тариқасида амалда синалмоқда. Вазирлик маслаҳатчиси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини давлат тили қоида ва талабларига мувофиқлиги жиҳатдан кўриб чиқиб, зарурат туғилганда уларга тузатиш киритмоқда. Ҳужжат лойиҳаси уни ишлаб чиққан таркибий бўлиналар билан биргаликда маромига етказилимоқда. Бу амалиёт келгусида расмий равишда лингвистик экспертизага ўтилганда қўл келади, албатта.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва маъқени тубдан ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури”да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида эса маданият вазирининг 2022 йил 13 майдаги буйруғи билан вазирликнинг чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. Унда ҳам жуда кўп муҳим тadbирлар қамраб олинган.

Вазирлик ташаббуси билан яқинда ҳудудий бўлиналар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбар ходимларига

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида улғу-семинарлари ташкил этилди. Унда маъсўл мутахассислар томонидан таълимий оид ислохотлар, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тилида иш юритиш асослари, ижро интизоми, молия-ҳужалик, концерт-томоша, театрлар ва маданият марказлари фаолияти юзасидан маърузалар ўтирилиб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди. Уч ҳафтадан ортиқ давом этган семинарлар ҳар бир ходим учун ҳуқуқий билимини бойитиш нуқтаи назаридан фойдали бўлди, деган умиддамиз.

Яқиндан бошлаб вазирликнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида “Ўзбек тилининг изохли луғати”дан руқни йўлга қўйилди. Унда соҳага оид сўзларнинг мазмуни бериб берилмоқда. Бу тил тарғиботиға ҳисса қўшиш билан бирга, кенг жамоатчилик, айниқса, соҳа ходимларларининг маданият ва санъатга оид сўзлар моҳиятидан хабардорлигини оширишга хизмат қилади.

Биз, маслаҳатчиларнинг эътибор қаратишимиз керак бўлган муҳим вазифалардан бири, бу ходимларнинг лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбоси, имло қоидалари ва давлат тилида иш юритиш йўналиши бўйича улғу курсларида қатнашини таъминлашдир. Шу мақсадда Маданият вазирилик томонидан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлиналарида ходимларни ўқитиш бўйича рўйхат шакллантирилди. Унга кўра, дастлабки босқичда ҳудудий бўлиналар, кейинги босқичда эса вазирлик марказий аппарати ходимларини ўқитиш кўзда тутилган.

Мухтасар айтганда, ўзбек тили — она тилимизнинг нуфузи, обрў-эътиборини юксалтириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш борасида олдимизда жуда кўп вазифалар, турибди. Биз бу йўлда янада катта масъулият билан қадам ташлаб, кўзда тутилган мақсадларга эришиш учун бор билим, таъриба ва салоҳиятимизни ишга соламиз.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашир индекси — 236. Буюртма Г-864.  
81651 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” наширият-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова  
Мусаҳҳиб: Шерзод Маҳмудов  
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй